

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг сайёр очик суд мажлиси Олот тумани “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб,

Раислик қилувчи - туман судининг раиси Б.Жабборов, судья ёрдамчиси М.Рабиевани котиблигида, Олот туман прокурори ёрдамчиси Ж.Қодиров, судланувчилар У.Авезов, Р.Бахтиёров ва жабрланувчи Ф.Ахмедоваларни иштирокида,

Авезов Умрбек Рамесович (Avezov Umrbek Ramesovich), 1988 йил 14 октябрь кунда Олот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ООО “Ravon Qurilish” МЧЖда ҳайдовчи, Олот тумани “Опшоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Бахтиёров Рўзимбек Дониёрович (Baxtiyorov Ro'zimbek Doniyorovich), 2001 йил 2 декабрь кунда Олот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Олот тумани “Солақоравул” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланганларга оид 1-2010-2301/29-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, У.Авезов 2023 йил 07-февраль куни соат тахминан 19-30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган ООО “RAVON QURILISH” МЧЖга тегишли “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белги юк автомашинасини Олот туман “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи ички автомабил йўли бўйлаб бошқариб келиб шу ҳудуддан ўтган 4P-78 автомобил йўлининг 1-километрга етганида, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қоидаларни ва унда келтирилган йўл белгилари, қатнов қисмидаги чизиқларнинг ўзларига тегишли бўлган талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчилар ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 11-бандидаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини текшириши, ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлашга мажбур эканлигига, 53-бандидаги ҳайдовчи йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклигига, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-хаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклигига, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб



ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, Олот туман маркази томондан “Бунёдкор” маҳалласи томонга ҳаракатланиб келаётган Р.Бахтиёровнинг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 800321SA давлат рақам белгили автомашина олдида чиқиб, транспорт воситалари ўзаро тўқнашиши натижасида “Кобалт” автомашинаси ҳайдовчиси Р.Бахтиёровга судга оид тиббиёт экспертизасининг 15.02.2023 йилдаги 38-сонли хулосасига кўра ўрта оғир ҳамда йўловчи сифатида келаётган Ф.Ахмедованинг оғир тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Ўз навбатида Р.Бахтиёров 2023 йил 07-февраль куни соат тахминан 19-30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган амакиси А.Бердиевга тегишли “Кобалт” русумли 800321SA давлат рақам белгили автомашинани Олот тумани “Халифа” маҳалласи ҳудудидан ўтган 4Р-78 автомобил йўли бўйлаб, туман маркази томондан “Бунёдкор” маҳалласи томонга бошқариб бориб, шу йўлнинг 01-километрида, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қоидаларни ва унда келтирилган йўл белгилари, қатнов қисмидаги чизиқларнинг ўзларига тегишли бўлган талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчилар ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 11-бандидаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини текшириши, ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлашга мажбур эканлигига, 53-бандидаги ҳайдовчи йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклигига, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклигига, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш



имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиб, хавф туғилганида хавфнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиш тезлигидан автомашинасини ортиқча тезликда бошқариб келиб, ўз ҳаракат йўналишида йўлнинг ўнг томонидаги қўшимча йўлдан ҳаракатланиш йўналишига чиққан У.Авезовнинг бошқарувида бўлган “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белгилари юк автомашинасидан автомашинасини ўз вақтида тормозлаш орқали ходисани олдини олиш техник имкониятига эга бўлсада, автомашинасини олд зарбақайтаргич чап қисми билан У.Авезовнинг бошқарувида бўлган “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белгилари юк автомашинасини чап томон ўрта ғилдирагига бориб урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилиши натижасида, “Кобалт” автомашинасининг орқа ўриндиғида йўловчи сифатида бораётган Ф.Ахмедованинг судга оид тиббиёт экспертизасининг 16.02.2023 йилдаги 40-сонли хулосасига кўра оғир тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Судда судланувчилар У.Авезов, Р.Бахтиёров ва жабрланувчи Ф.Ахмедовалар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи У.Авезов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчилар Р.Бахтиёров ва Ф.Ахмедовалардан кечирим сўраганини, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судланувчи Р.Бахтиёров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Ф.Ахмедовадан кечирим сўраганини, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб



олганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ф.Ахмедова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, У.Авезов ва Р.Бахтиёровларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ўз ихтиёри билан ярашганини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчилар У.Авезов ва Р.Бахтиёровларни ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олот туман прокурори ёрдамчиси Ж.Қодировни жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчилар У.Авезов ва Р.Бахтиёровларни айбига ихтиёрий иқрорлиги, судланувчиларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчилар, жабрланувчиларни хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини инобатга олиб, У.Авезов ва Р.Бахтиёровларга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд Ф.Ахмедова ва Р.Бахтиёровларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Аvezов Умрбек Рамесович (Avezov Umrbek Ramesovich)га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

У.Аvezовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кириши билан бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Бахтиёров Рўзимбек Дониёрович (Baxtiyorov Ro'zimbek Doniyorovich)га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Р.Бахтиёровга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кириши билан бекор қилинсин.

Жабрланувчилар Ф.Ахмедова ва Р.Бахтиёровларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Бухоро вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Б.Жабборов

**Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи**

Б.Жабборов

Х У С У С И Й А Ж Р И М

2023 йил апрель ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Олот туман судининг сайёр очиқ суд мажлиси Олот тумани “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб,

Раислик қилувчи - туман судининг раиси Б.Жабборов, судья ёрдамчиси М.Рабиевани котиблигида, Олот туман прокурори ёрдамчиси Ж.Қодиров, судланувчилар У.Аvezов, Р.Бахтиёров ва жабрланувчи Ф.Ахмедоваларни иштирокида,

Аvezов Умрбек Рамесович (Avezov Umrbek Ramesovich), 1988 йил 14 октябрь кунда Олот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон



фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ООО “Ravon Qurilish” МЧЖда ҳайдовчи, Олот тумани “Опшоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган;

Бахтиёров Рўзимбек Дониёрович (Baxtiyorov Ro'zimbek Doniyorovich), 2001 йил 2 декабрь кунда Олот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Олот тумани “Солақоравул” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини муддатида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланганларга оид 1-2010-2301/29-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, У.Авезов 2023 йил 07-февраль куни соат тахминан 19-30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган ООО “RAVON QURILISH” МЧЖга тегишли “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белги юк автомашинасини Олот туман “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ўтувчи ички автомобил йўли бўйлаб бошқариб келиб шу худуддан ўтган 4P-78 автомобил йўлининг 1-километрига етганида, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қоидаларни ва унда келтирилган йўл белгилари, қатнов қисмидаги чизиқларнинг ўзларига тегишли бўлган талабларини билишлари, уларга амал



қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчилар ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 11-бандидаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини текшириши, ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлашга мажбур эканлигига, 53-бандидаги ҳайдовчи йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклигига, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-хаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклигига, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиб, Олот туман маркази томондан “Бунёдкор” маҳалласи томонга ҳаракатланиб келаётган Р.Бахтиёровнинг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 80O321SA давлат рақам белгили автомашина олдига чиқиб, транспорт воситалари ўзаро тўқнашиши натижасида “Кобалт” автомашинаси ҳайдовчиси Р.Бахтиёровга судга оид тиббиёт экспертизасининг 15.02.2023 йилдаги 38-сонли хулосасига кўра ўрта оғир ҳамда йўловчи сифатида келаётган Ф.Ахмедованинг оғир тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Ўз навбатида Р.Бахтиёров 2023 йил 07-февраль куни соат тахминан 19-30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган амакиси А.Бердиевга тегишли “Кобалт” русумли 80O321SA давлат рақам белгили автомашинани Олот тумани “Халифа” маҳалласи худудидан ўтган 4P-78 автомобил йўли бўйлаб, туман маркази томондан “Бунёдкор” маҳалласи томонга бошқариб бориб, шу йўлнинг 01-километрида, амалдаги йўл



ҳаракати қоидаларининг 3-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, қоидаларни ва унда келтирилган йўл белгилари, қатнов қисмидаги чизиқларнинг ўзларига тегишли бўлган талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлигига, 4-бандидаги йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчилар ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклигига, 11-бандидаги транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлга чиқишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини текшириши, ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник созлигини таъминлашга мажбур эканлигига, 53-бандидаги ҳайдовчи йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши кераклигига, 77-бандидаги ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклигига, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклигига, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклигига амал қилмасдан, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, хавф туғилганида хавфнинг олдини олиш имкониятига эга бўлиш тезлигидан автомашинасини ортиқча тезликда бошқариб келиб, ўз ҳаракат йўналишида йўлнинг ўнг томонидаги қўшимча йўлдан ҳаракатланиш йўналишига чиққан У.Авезовнинг бошқарувида бўлган “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белгили юк автомашинасидан автомашинасини ўз вақтида тормозлаш орқали ходисани олдини олиш техник имкониятига эга бўлсада, автомашинасини олд зарбақайтаргич чап қисми билан У.Авезовнинг бошқарувида бўлган “North Benz” русумли 70/496LBA давлат рақам белги юк автомашинасини чап томон



ўрта ғилдирагига бориб урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилиши натижасида, “Кобалт” автомашинасининг орқа ўриндиғида йўловчи сифатида бораётган Ф.Ахмедованинг судга оид тиббиёт экспертизасининг 16.02.2023 йилдаги 40-сонли хулосасига кўра оғир тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Судда аниқланишича, Олот туманидаги автокорхоналарда, мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежларида, маҳалла фуқаролар йиғинида, корхона ва ташкилотларда ишчи ҳамда хизматчиларга автомашиналарни йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда бошқариш, пиёдаларга эса асфальт йўлни кесиб ўтишда пиёдалар йўлакчаси белгиси бўлган жойлардан ўтишлик, ёш болаларни ва вояга етмаганларни йўл бўйларида ёлғиз қолдирмаслик, йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларига амал қилишлари бўйича олиб борилаётган ҳуқуқ-тарғибот ишлари етарли даражада эмаслиги, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш тарбиявий ишлар олиб борилмагани сабаб бўлган.

Суд келгусида ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш борасида амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши бўйича шаҳар ҳудудида автомашина бошқараётган ҳайдовчилар устидан назоратни кучайтириш учун Бухоро вилоят ИИБ ЙХХБ раҳбарияти эътиборига етказишни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298, 476-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноятни келтириб чиқаришга сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф қилиш ва олдини олиш, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши бўйича туман ҳудудида автомашина бошқараётган ҳайдовчилар устидан назоратни кучайтириш чораларини кўриш Бухоро вилоят ИИБ ЙХХБ раҳбариятига ҳавола қилинсин.

Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қонунда белгиланган муддатда жиноят ишлари бўйича Олот туман судига хабар берилсин.

Раислик қилувчи
Б.Жабборов



Маъсул судья: Жабборов Бахрилло Салимович



Ҳужжат имзоланган: Жабборов Бахрилло Салимович, 03.04.2023

